**Хизмат курсатиш шартномаси**

**Shartnoma№ 10-S**

**Навоий шахар** **2022 yil 11 yanvar**
**(shartnoma tuzish joyi)** **(shartnoma tuzish sanasi)**

AVTO SERVIS SAKURA МЧЖ (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **PULATOV YIGITALI ISMAILOVICH**, bir tomondan, va "O`ZERAECABLE" MCHJ QK (bundan buyon – "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **SHERZOD UMAROV XAZRATQULOVICH**, ikkinchi tomondan, birgalikda "Taraflar", alohida esa "Taraf" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

**1. Низом асосида фаолият юритувчи "O`ZERAECABLE" MCHJ QK номидан ______________________________________ кейинги матнда «Буюртмачи» деб номланувчи ва Низом асосида фаолият юритувчи «ООО AVTO-SERVIS SAKURA» МЧЖ директори Й.Пулатов, кейинги матнда «Бажарувчи» деб номланувчилар 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди:**

**Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:**

**Shartnomaning umumiy miqdori Bir yuz qirq million so'm 0 tiyin (summa so'zlar bilan).**

| № | Tovar nomi (xizmat) | Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikasiya kodi va nomi | Tovar/xizmat shtrix kodi | O'lchov birligi | Miqdori | Narx | Yetkazish bahosi | QQS | | Yetkazish bahosi QQS bilan |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | stavka | summa | |
| 1 | ISUZU русумли транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш. | 10109001001000000 – Автотранспорт воситалари ва ҳаракатланувчи таркибни техник кўрикдан ўтказиш хизматлари | | dona | 1,00 | 121 739 130,43 | 121 739 130,43 | 15,0000 | 18 260 869,57 | 140 000 000,00 |

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ 1.1. Ушбу шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг бюртмасига асосан хизмат кўрсатади. «Буюртмачи» эса ушбу кўрсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади. «Бажарувчи» ўз зиммасига қуйидаги автомобиль техникаларни 2022 йил давомида даврий ТХК ва таъмирлаш ишларини шартномада белгиланган муддатларда тақдим қилиш «Буюртмачи» эса, ТХК сифатини ва товарларни қабул қилиб олиш унинг ҳаққини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади:Изоҳ: 1. Юқоридаги автоуловларни ТХК ва таъмирлаш ишларини ўтказишда «Бажарувчи»нинг Сервисига олиб бориш имконияти бўлмаган холларда (носоз холатларда) «Буюртмачи».нинг талабига қараб «Бажарувчи»нинг мутахассислари томонидан жойларда ТХК ишлари амалга оширилади. (эҳтиёж бўлган холларда) 2. «Бажарувчи»нинг мутахассислари «Буюртмачи» худудига ташриф буюрган холларда йўл ҳаққи хизмати низом талабларидан келиб чиққан ҳолатларда километрига ҚҚСсиз 3 000 (уч минг) сўмдан хисобга олинади. 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ. «Бажарувчи».нинг мажбуриятлари: 2.1 Ишни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Буюртмачи"га сифатли ва ўз вақтида топшириш. «Буюртмачи».нинг мажбуриятлари 2.2. Ишни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслигини аниқлаган тақдирда, «Буюртмачи» шу муддатда «Бажарувчи»га аниқланган номувофиқликлар ҳақидамаълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади. 2.3. Шартномада белгиланган бахода иш ҳаққини тўлайди. 2. ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ 2.1. «Бажарувчи» ни хисоб рақамига пул ўтказилаётган вақтда ва шартнома амалда бўлган вақтда шартнома бахоси ўзгаришсиз қолади. 2.2. «Буюртмачи» шартнома имзоланган вақтдан бошлаб, ҳар бир бажарилган ишнинг далолатномаси ва хисоб-фактурасига қараб пул маблағларини 15% миқдорини «Бажарувчи» нинг хисоб ракамига ўтказиб беради. 2.3. «Буюртмачи» хар бир бажарилган ишнинг далоланомаси ва хисоб-фактурасига қараб қолган 85 % миқдоридаги пул суммасини шартномада кўрсатилган товарлар ва ТХК ишларини сифатини қабул қилиб олгандан сўнг, 10 (ўн) банк куни ичида «Бажарувчининг» хисоб рақамига ўтказиб берилади. 3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ 3.1. "Бажарувчи шартноманинг 2.2. бандига асосан хисоб ракамига олдиндан тулов пули утказиб берилгандан сунг ТХК, сифатли таъмирлаш ва диагностика ҳамда техник холатини аниқлаш шартномада курсатилган таварларни 5 (беш) календар куни ичида такдим килиш мажбуриятини уз зиммасига олади. 3.2 ТХК, сифатли таъмирлаш ва диагностика ҳамда техник холатини аниқлаш «Бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган номенкулатурада, миқдорда ва бахода амалга оширилади. 4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ 4.1. Иш бажарилгандан сўнг «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» топшириш ва қабул қилиш далолатномасини тузиб имзолайди ва мухлайди. 4.2. Ишни топширишдан бошлаб, келишилган муддатга қадар, «Буюртмачи» сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади. 4.3 ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади. 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ 5.1. Ишни топшириш муддатини бузганлиги учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,5 % миқдорида жарима тўлайди. 5.2. Тўловни кечиктирганлиги учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун, тўловни кечиктирилган қийматининг 0,5 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган миқдорида товон пули (пеня) тўлайди. 5.3 Ушбу шартномада назарда тутилмаган тарафларни жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун хужжатларида мувофиқ белгиланади. 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ 6.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади. 6.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинадиган кейин иқтисодий судига кўриб чиқиш учун топширилади. 7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ 7.1. Томонларнинг хохиш истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган холларда (ноқулай об-ҳаво шароитлари, зил-зила ва тошқин, бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки, кескин бажарилмаган етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади. 8. БОШҚА ШАРТЛАР 8.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади. 8.2. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади. Ушбу шартномага кўра, хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилган ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган холларда хақиқий хисобланади. 8.3. Шартнома томонлари келишувга асосан, ёки улардан бирининг шартнома талабларини жиддий бузган холатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 382-384 моддаларига асосан, белгиланган тартибда бекор қилинади. 8.4. Ушбу шартнома банк операцияларини амалга ошириш учун асос хисобланади 8.5. Ушбу шартнома амал қилиш муддати 31.12.2022 санагача. 1.2. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» учун: Бажариладиган ишларнинг номи, маркаси.

## 2. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

**IJROCHI** **BUYURTMACHI**

**Nomi: AVTO SERVIS SAKURA МЧЖ**
**Manzili: г.Навои пос Спутник Победа 818 А**
**Tel.: +998(93)-463-41-**
**Faks:**
**STIR: 301852600**
**OKED: 46610**
**H/R: 20208000904890373001**
**Bank: НАВОИЙ Ш.,"ХАМКОРБАНК" ОАТ БАНКИНИНГ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ**
**MFO: 01064**

№2005089465 13.01.2022 08:46:37
**YUBORILGAN**
ПУЛАТОВ ЙИГИТАЛИ ИСМАИЛОВИЧ
operator: didox.uz

**Nomi: "O`ZERAECABLE" MCHJ QK**
**Manzili: MALIKRABOT, NAVOIY ERKIN IQTISODIY INDUSTRIAL HUDUD**
**Tel.:**
**Faks:**
**STIR: 301423421**
**OKED: 29310**
**H/R: 20214000504820414001**
**Bank: НАВОИЙ Ш., "АСАКА" ДАТ БАНКИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**
**MFO: 00206**

№2005575771 13.01.2022 21:59:45
**TASDIQLANGAN**
УМАРОВ ШЕРЗОД ХАЗРАТКУЛОВИЧ